

# Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган \* 2013 йил 15 октябрь. Сешанба №86 (948) \* www.mahallagzt.uz \* info@mahallagzt.uz

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.

Жумладан:  
Америка Қўшма Штатлари Президенти **Барак Ҳусейн Обама**;  
Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн**;  
Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**;  
Қатар Давлати Бош вазири, Ички ишлар вазири **Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**;

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси, Фаластин миллий маъмурияти раиси **Маҳмуд Аббос**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов**;

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**;

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси Шайх ул-ислом Олоҳшур Пошшоода ўз табрикларини йўладилар. Қутловлар келиши давом этмоқда.

### 2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ



## КЎРКАМ ВА ШИНАМЛИҚДАН КЎНГИЛ ЗАВҚҚА ТЎЛАДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида Қашқадарё вилоятида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида турар-жой массивларини қуриш, замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш борасида, айниқса, Қарши туманидаги «Мирмирон» ма-

ҳалласида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Бу ерда барпо этилган шинам ва кўркам уй-жойларни, бозор, супермаркет, маънавий хизмат кўрсатиш маркази, нов-

войхона, болалар майдончаси, кенг ва тоза кўчаларни қуриб, кўнгиლ завққа тўлади.

Барча қулайликларга эга, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 290 та уй-жой маҳалла кўр-кига кўрк, файз бағишлаш билан бирга янги хонадон соҳибларининг ободлиқда ва фаровон турмуш кечирishiга хизмат қилмоқда.

Суратда: Қарши туманидаги «Мирмирон» маҳалласи.

### ҚАДРИЯТ

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА МУРУВВАТ АЙЁМИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ва диний қадриятларини тиклаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор аҳоли ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёш авлод маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Истиқлол туфайли қайта тикланган ва кенг нишонланаётган Қурбон ва Рамазон ҳайитлари бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 8 октябрда қабул қилинган «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда Қурбон ҳайитининг тартибли, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўт-шини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан Қурбон ҳайити муносабати билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

> [2]

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари.

Ушбу саодатли кунларда Сизни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуг айём — Қурбон ҳайити билан муборак заминда ҳаж ибодатини адо этаётган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин бажариш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган имконият ва қулайликлар Сизнинг ўз халқингизга бўлган оталарча гам-хураингиз намунасида.

Мустақиллик йилларида миллий-диний қадриятларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва эҳтиромингиз туфайли азиз авлиёларимиз қадимжолари обод этилиб, халқимиз ардоғидаги табаррук ман-

зилларга айланганлиги, юртимиздан етишиб чиққан буюк олим фузалолар асарларининг нашр этилиши ҳамда халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар юртдошларимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби қутлуг заминда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамisha омон, элимиз тинч, осмонимиз мусаффо, турмушимиз янада обод бўлишини Яратқандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Муҳтарам Президент Жаноблар, Аллоҳ таолодан Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамisha Ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокотуҳу.

Ўзбекистон ҳожилари номидан муфтий Усмонхон АЛИМОВ

Маккаи мукаррама, Арафот водийси. 2013 йил, октябрь.

### ҚАРОР ВА ИЖРО

## ЙИГИНЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Тарихи неча минг йилликларга бориб тақаладиган, фаолияти инсонпарварлик, саховат ва мурувват каби эзгу фазилатларга йўғрилган маҳалла фуқаролар йиғини истиқлол шарофати билан ўзининг ҳуқуқий мақоми, ваколати ва аниқ вазифаларига эга бўлди.

Юртимизда маҳалланинг вазифалари кўлами тобора кенгайиб, халқчил идора сифатида аҳолининг таянчи ва суянчига айланди.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида билдирилган гоя ва тақлифлар асосида янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун маҳаллалар фаолиятини янада кенгайтиришда муҳим асос бўлди. Соҳага доир қабул қилинаётган

қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг мазмун-моҳияти маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг 7 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 10-, 14- ва 18-моддаларига мувофиқ, шунинг-

дек, фуқаролар йиғинлари фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида қабул қилинган ушбу Қарор маҳаллалар учун жуда аҳамиятлидир.

Қарор асосида Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Намунавий низоми, йиғин ҳузуридаги Тафтиш комиссияси, шунингдек, асосий фаолият йўналишлари бўйича Яраштириш, Матрифат ва маънавий тарбия масалалари, Ижтимоий қўлаб-қувватлаш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш, Жамоатчилик назорати ва ис-

теъмоличларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низомилар тасдиқланди. Шу билан бирга, Қарор асосида фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди.

Ушбу Низомларнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, улар янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида такомиллашган. Бу эса фуқаролар йиғинларининг янада самарали фаолият юритиши учун айни мудоаодир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг мақзур Қарори асосида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва Адлия вазирилик томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган Фуқаролар йиғинининг диний

маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги ҳамда Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом маъқуллади.

Энг муҳими, «Маҳалла» хайрия жамоат фондига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар тасдиқланган намунавий низоми асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятини мазкур низоми асоси-

да ташкил этишига кўмаклашиши белгиланди.

Демак, бутун маҳаллалар фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам четда қолмаётгани қувонarliдир.

Қарорда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва фаолларининг малакасини оширишга доир ўқув-семинарлар ташкил этиш ва ўтказиш ҳам ўрин олган. Бу эса фуқаролар йиғинлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришнинг амалдаги ифодасидир.

Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг юқоридаги Қарори асосида тасдиқланган ва маъқуллашган Намунавий низоми бериб борилади.

ТАҲРИРИЯТ.

> [3-4]



### ДИЛИНГ ОБОД ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида кам таъминланган оилалар аъзолари ва имконияти чекланган 40 минг нафардан зиёд фуқаронинг мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатларини ташкил этиш белгиланган.

Ушбу тадбирларни амалга оширишда биргина «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими ҳамда бўлинмалари томонидан қатор ишлар бажарилди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида вилоятдаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар аъзолари, ёлғиз кексаларнинг юртимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди.

Шунингдек, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қўйи Чирчиқ тумани бўлими «Нуроний» жамғирмаси билан ҳамкорликда тумандаги ёлғиз кексаларни Бухоро шаҳрига, Оҳангарон туманидаги Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда «Намуна» маҳаллаларида яшовчи 36 нафар кам таъминланган фуқаронинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Паркент туманидаги «Чўқайма» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисида 50 нафари Самарқанд шаҳрини зиёрат қилган бўлса, Урта Чирчиқ туманидаги Қорасув, Истиклол, Навоий, Пахтаобод, Янги турмуш, Янги ҳаёт, Уйин ва Ангор қишлоқ фуқаролар йиғинларининг 956 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳли Хива, Бухоро, Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги тарихий обидаларни томоша қилишди.

Қибрай туманидаги Салар шаҳарча фуқаролар йиғини ҳамда Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғинидан 100 нафар, Зангиота туманидан эса 20 та оиланинг 50 нафардан зиёд фарзанди Хива, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини саёҳат қилиб қайтди.

Савобталаб ҳомийлар ҳам бундай хайрли ишлардан четда қўл қовуштириб туришмади. Улар томонидан 5230 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг мамлакатимиздаги муқаддас қадимжоларга ташрифи ташкил этилди.

Саёҳатлар давомида зиёратчилар мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида тарихий қадимжоларда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишдилар.

Зулхумор ЖҲРАЕВА,  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси.

### ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

## Тинчлик ва юксалиш йўлидаги ҳамкорлик



Буюк ўтмиши, ноёб маданияти ва улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳияти боис дунё мамлакатлари орасида ўзига хос макъа эгаллаган Хитой давлати билан Ўзбекистоннинг ўзаро муносабатлари илдиизи узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Халқларимиз ўртасида дўстона ва ўзаро хурматга асосланган серқирра алоқалардан гувоҳлик берувчи воқеалар, маданиятларнинг Буюк Ипак йўли орқали ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитишига оид маълумотлар неча юз йиллик тарихий кўлёмалар саҳифаларида сақланиб қолган.

Бундай кўп асрлик муносабатлар замонавий босқичда ҳам ривож топмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида сиёсий, савдо-иқтисодий, кредит-молия ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик кун сайин раванг топиб, давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч, очкилик ва хурматга асосланган фаол сиёсий мулоқот олиб борилаётган. Давлат раҳбарлари даражасида амалга оширилаётган ташрифлар кўп қиррали муносабатларнинг жадал кенгайиши ва янада чуқурлашувиغا кўмаклашмоқда.

> [2]





